



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 16 май, № 103 (7605)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СИРДАРЁДА ТАЛАФОТДАН ЗАРАР КЎРГАН АҲОЛИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР БАРПО ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 май куни Сирдарё вилоятида бўлди.



Маълумки, жорий йил 1 май куни Сардоба сув омбори тўғонининг бир қисми ўпирилиб, ёндош туманлардаги маҳаллалар ва далаларни сув босган эди. Давлатимиз раҳбари зудлик билан ҳодиса юз берган жойга етиб бориб, вазиятни барқарорлаштириш ишларига шахсан бош-қош бўлди.

Ушбу фавқулодда вазият оқибатида Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларида 2 минг 570 та уй-ҳовли, 76 та кўп қаватли уй яроқсиз ҳолга келган эди. Шунингдек, 1 минг 781 ҳовли, 52 та кўп қаватли тураржой қисман зарарланган. 70 та ижтимоий объект, 20 минг гектарга яқин экин майдони, 828 километр йўл, электр, газ, ичимлик сув, алоқа тармоқларига талафот етган.

Бу синов қаршисида халқимизнинг бирлиги, ҳамжиҳатлиги, меҳр-оқибати яна бир бор аққол намоён бўлди. Тезкор чора-тадбирлар натижасида Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги 28 та маҳалладан 90 мингга яқин фуқаролар хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинди. Уларга биринчи даражали зарур шароитлар яратилиб, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказилди. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, вазирлик ва уюшмалар, юрtdошларимиз томонидан Сирдарё аҳолисига ёрдам бериш учун ҳомийлик маблағлари ўтказилди, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва рўзгор буюмлари юборилди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги сафарлари чоғида бу ерлик одамларнинг ҳаётини нафақат олдинги ҳолатига қайтариш, балки уни янада яхшилаш, янги уй-жойлар, ижтимоий объектилар барпо этиб, янги иш ўринлари яратишни вазифа қилиб қўйган эди.

Бугунги кунда Ҳукумат комиссияси иш олиб борапти. Зарар етган уй-жойларни тиклаш ва таъмирлаш, одамларни ўзининг уйига қайтариш ва рўзгорида ёрдам бериш, инфратузилмани тиклаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишга катта куч ва воситалар сафарбар этилган. Бу борада Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари, Миллий гвардия хизматчилари жонбозлик кўрсатмоқда.

Ҳозирга қадар 20 та аҳоли пунктидаги бузилган уйлар ва уларнинг атрофи чиқиндилардан тозаланди. 13 та маҳалладан сув қолдиқлари чиқарилди.

Ушбу маҳаллаларда ҳаёт аста-секин изга тушмоқда. Ҳозирги кунда қарийб 66 минг аҳоли ўз уйларига қайтди. Бошқа жойларда тозалаш-таъмирлаш ишлари тезкор суръатларда давом этмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев дастлаб Сардоба туманида бўлиб, ҳудудда олиб борилаётган ишларни кўздан кечирди. Таъмирланаётган хонадонларни кириб қўрди, одамлар билан суҳбатлашди.

Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида уй-жойлари бутунлай яроқсиз ҳолга келиб қолган аҳоли учун 3 та массивда жами 2 минг 640 квартиралар 66 та 3 қаватли уй қурилиши режалаштирилган. Хусусан, Сардоба туманидаги Дўстлик маҳалласида 1 минг 480 хонадондан иборат 37 та уй барпо этилади. Давлатимиз раҳбари мазкур тураржойларнинг пойдеворида тамал тоши қўйди.

Сардоба туманида маҳаллий аҳоли вакиллари билан учрашув бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев сув омборида юз берган техноген авария жуда катта синов бўлганини,

Ҳукумат комиссияси ташкил этилиб, тошқин оқибатларини бартараф этишга барча куч ва имкониятлар сафарбар қилинганини яна бир бор қайд этди.

— Бу ишларни ташкил этиш ва Сирдарё халқидан хабар олиш учун бугун тўртинчи марта сизларнинг олдингизга келдим. Ҳар соат, ҳар дақиқа бу ердаги ишлар ҳолатини суриштириб турибман, телефон орқали ҳисобот оляман, — деди давлатимиз раҳбари.

Аҳолининг турмуш шароитларини тиклаш асосий вазифа экани, зарарланган уйларни таъмирлаш ҳамда янги тураржойлар қуриш бўйича ишлар бошлаб юборилгани таъкидланди.

— Таъмирланадиган уйлар ҳам, янги қуриладиганлари ҳам давлат томонидан бепул қуриб-таъмирлаб берилади. Янги кўп қаватли уйлар сентябрь ойида қуриб битказилади. Шу билан бирга, уйлар зарарланган одамларнинг илгариги ҳовлилари ҳам ўзларида қолади, — деди Президент.

Сув тошқинидан зарар кўрган 4,5 мингдан зиёд хонадон эгаларининг ҳар бирига Ўзбекистон Республикаси Президентидан 40 миллион сўмлик моддий ёрдам, шунингдек, телевизор, музлаткич, кир ювиш машинаси, минн печ, электр чойнак ва дазмол каби маиший техника воситаларидан иборат совғалар топширилмоқда.

Сирдарё вилоятига кўмак учун ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ҳамда тadbиркорлар ҳам ёрдам кўрсатди.

Учрашувда қатнашган сардобаликларга тегишли сертификат ва банк қарточкалари тарқатилди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу куннинг ўзида Мирзаобод туманида ҳам бўлиб, фавқулодда ҳолатдан талафот кўрган жойларда амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди.

Туманининг Навбахор маҳалласи ҳудудида 360 квартиралар 9 та кўп қаватли уй барпо этилиши режалаштирилган. Шунингдек, Навбахор, Ҳақиқат ва Янгиовул маҳаллаларида жами 616 та кotteж таъмирланади. Ушбу ишларга Сирдарё, Жиззах, Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари қурувчилари бириктирилган.

Мутасаддилар билан суҳбатда қурилиш-таъмирлаш ишларини сифатли бажариш кераклиги, маҳаллий, энергия тежамкор ва замонавий материаллардан фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари мирзаободлик нурунийлар, маҳалла фаоллари ва хонадон эгалари билан учрашди.

Уй-жойлар ва инфратузилмани тиклаш, электр энергия, газ, ичимлик суви таъминоти ва йўлларни таъмирлаш бўйича зарур чоралар қўрилаётгани айтилди.

Учрашувда аҳолини нафақат уй-жой билан таъминлаш, балки қорхоналар ташкил этиб, иш ўринлари яратиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шу мақсадда қисқа вақт давомида қиймати 2 триллион 143 миллиард сўмлик 323 та катта-кичик лойиҳалар шакллантирилди. Уларни тadbик этиш ҳисобига Мирзаобод, Оқолтин ва Сардоба

туманларида жорий йилда 10 мингга яқин иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Жумладан, Мирзаобод туманида жами 1 триллион 12 миллиард сўмлик 143 та лойиҳа амалга оширилиб, 4,5 мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этилиши мўлжалланган. “Gulistan Gold Yarn” МЧЖ томонидан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, “Мирзаобод лимончилик кластери” МЧЖ томонидан замонавий типдаги иссиқхона ташкил этиш, “Самовий бахт қувончи” МЧЖ томонидан ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Мирзаободлик жабрдийдаларга ҳам Сардобада бўлгани каби тегишли сертификат ва пул маблағли банк қарточкалари тарқатилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда ҳам қурилиши режалаштирилган тураржойларнинг пойдеворида тамал тоши қўйди.

Президентимиз сув тошқинидан талафот кўрган Оқолтин туманида ҳам бўлиб, аҳоли вакиллари билан учрашди.

Уй-жойлар қуриш ва таъмирлаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, инфратузилма объектилари ва қишлоқ ҳўжалиги майдонларини тиклаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида айтиб ўтилди. Оқолтин туманининг Ҳақиқат маҳалласида 800 хонадондан иборат 20 та кўп қаватли уй барпо этилиши таъкидланди.

Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларида 1 минг 800 га яқин бетон панелли коттеж мавжуд бўлиб, улар сув тошқинидан кўп зарар кўрмаган. Уларни замонавий таъмирлаб, ўз эгаларига топшириш режалаштирилган. Шу мақсадда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари бошчилигида 305 та қурилиш ташкилоти ва 12 мингга яқин қурувчилар Сирдарёга етиб келган.

Оқолтин туманидаги Шодлик, Саховат, Аҳиллик маҳаллаларида ва Учтом аҳоли пунктида жами 657 та коттеж таъмирланади. Шодлик маҳалласидаги уйлар Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларига, Аҳиллик маҳалласи ва Учтом аҳоли пункти Сурхондарё вилоятига, Саховат маҳалласидаги тураржойлар Тошкент шаҳрига бириктирилган.

Туманда 8,7 минг гектар экин майдонини сув босган. Сардоба ва Мирзаобод туманларидаги каби бу ерда ҳам кўча насослар ёрдамида бу сув қочирилди. Асраб қолиш мумкин бўлган ғўзани чопиқ ва культивация қилиш, қолган жойларда бошқа экинлар экиш чоралари қўрилмади.

Оқолтин туманида жами 789 миллиард сўм қийматидаги 95 та лойиҳа ҳисобига 3,5 мингга яқин иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Мисол учун, “АПК Оқолтин” қорхонаси томонидан ўсимлик ёғи, “Оқолтин Мега Текстиль Групп” масъулияти чекланган жамияти томонидан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Сув тошқинидан азият чеккан оқолтинликларга ҳам сертификат ва пул маблағли банк қарточкалари топширилди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу куни Тошкентга қайтиб келди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Видеомулоқот

ИҚТИСОДИЁТ ҚОРХОНАЛАРИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ЎРНИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши депутатлари ва сенаторлар билан видеомулоқот ўтказди.

Унда жорий йил 13 май куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида карантин чораларини юмшатиш, иқтисодиёт қорхоналарини қайта тиклаш борасидаги ишлар Қашқадарё вилояти мисолида кўриб чиқилгани ва бу борада белгиланган вазифаларни амалга оширишда маҳаллий Кенгашлар роли тўғрисида сўз юритилди.

Жумладан, ҳудудларда маҳаллий Кенгашлар депутатларидан иборат штаблар ташкил этилиб, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида иш олиб боришмоқда. Шу жиҳатдан туман, шаҳар кесимида ишсиз қолган ва эҳтиёжманд аҳолининг манзилли рўйхати шакллантирилиб, уларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда бандлигини таъминлаш ва бу жараёнда преференциялар берилишида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг иштирокини таъминлаш, депутатлик назоратини ўрнатиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қайд этилганидек, Қашқадарё вилоятида 52 минг 249 та, яъни 8,3 фоиз эҳтиёжманд хонадон аниқланиб, уларга 18 минг 602 та тadbиркор ҳамда ҳомийлар томонидан кўмак бериш ишлари белгиланган. Маҳаллий Кенгашлар сессияларида “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида белгиланган чора-тадбирлар ижроси бўйича сектор раҳбарлари, масъул идора ҳамда ташкилотлар вакиллари ҳисоботлари эшитиб борилиши ва тегишли қарорлар қабул қилинишини таъминлаш юзасидан тушунтириш берилди.

Видеомулоқотда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли томонидан кўп эътироз билдирилаётган муаммоларни таҳлил қилган ҳолда, уларнинг ҳал этилиши даражасини инобатга олиб, республика, вилоят ва туман миқёсидаги муаммоларни акс эттириш ҳамда асосланган тақлифлар ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

Макроиктисодий барқарорлик, инфляцияни пасайтириш масалалари — депутатлар назоратида

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2020 йилда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляция даражасини пасайтиришга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган йиғилишда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг жорий йил ўтган даврида макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляция даражасини пасайтириш бўйича олиб борган ишлари тўғрисидаги ахборотлари эшитилди.

Қайд этиш жоиз, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳар чоракда тегишли вазирлик ва ташкилотларнинг ушбу йўналишда амалга ошираётган ишлари хусу-

сида ахборотларини эшитиб бориш режа қилинган. Мазкур амалиёт Қонунчилик палатаси фаолиятида янги йўналишдир.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ахборотида пандемия шароитида макроиктисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетмаслиги борасида кўрилаётган чоралар тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилди.



Эртага — Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни

ЮКСАЛИШ ДАВРИГА ХОС ШИЖОАТ

Мамлакатимиз аниқланган олтин ва уран захиралари бўйича дунёнинг етакчи ўн та давлати қаторидан ўрин олган. Ўзбекистон саноатининг локомитиви ҳисобланган Навоий кон-металлургия комбинатида айнан шу маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Комбинатнинг мамлакатимиз иқтисодий ривожидagi ўрни беқиёс. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган жами саноат маҳсулотларининг 10 фоизи ҳамда бюджет даромадининг 18 фоизи комбинат ҳиссасига тўғри келиши шундан ёрқин далолат берапти.

сўмни ёки ўтган йилнинг мос давридаги-га нисбатан ўсиш суръати 101,2 фоизни ташкил қилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 119,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос давридаги-га нисбатан 2,3 баробарга ошди.

Айни пайтда комбинатда иқтисодий ислохотлар изчил давом эттирилиб, қорхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш борасида узлуқсиз ва тизимли ишлар олиб боришмоқда. Шу асосда йirik инвестицион лойиҳалар доирасида 2-гидрометаллургия заводида рудани қайта

ишлаш бўйича яна бир бўйим фойдаланишга топширилди. “Мурунгов” олтин қонини ўзлаштиришнинг 5-навбатида 13,3 миллион куб метр кон массаси қазиб олинди. 7-гидрометаллургия заводи негизда техноген чиқиндиларни қайта ишлаш мажмуасининг биринчи навбати ишга туширилиб, мазкур лойиҳа якуни билан йилига 15 миллион тонна техноген чиқиндиларни қайта ишлаш қувватига эга улкан саноат мажмуаси яратилади. Бу эса, ўз навбатида, қўшимча 1150 дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этиш имкони демакдир.



Модернизация қилиш ва кенгайтириш асосида

Комбинатнинг кўп минг кишилик жамоаси ҳар доимгидек Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари кунини белгиланган

ишлаб чиқариш режаларини ортиги билан бажариб қарши оляпти. Аҳил жамоа бугунги синови дамлрда ҳам ишлаб чиқариш ютуқларини кўпайтиришга эришмоқда. Улкан қорхонада ўтган тўрт ойда жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 12,9 триллион

УЙДА ҚОЛИНГ!

Макроиқтисодий барқарорлик, инфляцияни пасайтириш масалалари — депутатлар назоратида

1 Депутатлар ҳозирги синовли даврда мамлакатимизда камбағаллик муаммоси кескинлашиб кетиши эҳтимоли мавжудлиги, вазирилик ушбу масалани бартараф этиш юзасидан тизимли чора-тадбирлар қилиши лозимлигини таъкидлашди. Бу борада вазирилик олдида қўйилган вазифалар, хусусан, камбағаллики қисқартириш бўйича аниқ мақсадларга йўналтирилган стратегияни аҳоли манфаатларига монанд равишда ишлаб чиқишни тезлаштириш бугуннинг энг долзарб масаласи экани қайд этилди.

Шунингдек, депутатлар жорий йилнинг биринчи чорагида инвестициялар, ташқи савдо ва экспорт ҳажми пандемия туфайли эмас, балки бошқа омиллар таъсирида қисқарганини таъкидлаб, вазирилик ушбу ҳолатнинг сабабларини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш

зарурлигига эътибор қаратдилар. Муҳокамалар чоғида “яширин иқтисодиёт” улушини янада қисқартириш, унинг вужудга келиш омилларига қарши курашиш мақсадида вазирилик олдида турган вазифалар юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Молия вазириликнинг ахборотида эса пандемия даврида Давлат бюджетни даромадларини кўпайтириш, захираларни аниқлаш ва сарфбар қилиш борасида вазирилик томонидан олиб борилаётган тизимли ишларга вазири уринбосари тўхталиб ўтди.

Ахборотда таъкидланишича, бюджет даромадлари бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши бюджетдан молиялаштириладиган иш ҳақи, нафақа ва ижтимоий тўловларнинг муддатидан кечиктирмай тўлаб бориш имконини берган.

Депутатлар йилнинг ўтган даврида Давлат бюджетининг даромадлар қисми бажарилиши, харажатларнинг тўлиқ молиялаштирилгани, бюджет тақчиллигини қоплаш манбаларига алоҳида эътибор қаратишди. Ҳақиқатан ҳам, жорий йилнинг биринчи чорагидаги кўрсаткичлар тўлиқ ихро этилгани, асосан, ўтган йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботларнинг йил бошида топширилгани билан боғлиқ. Лекин йилнинг иккинчи ва қолган чораларида тадбиркорлик фаоллиги сусайиши, глобал ишлаб чиқариш “занжирлари” ҳамда савдо алоқаларининг узиллиши туфайли бюджет тақчиллиги янада ортиси мумкинлиги ва унинг олдини олиш учун ноанъанавий чоралар қўриш лозимлиги таъкидланди.

Халқ вакилларининг сўзларига кўра, коронавирус пандемияси-



нинг мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий вазиятга салбий таъсирини юмшатиш, унинг одамлар соғлиғига таъсири минималлаштириш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари фаолияти барқарорлигини сақлаб қолиш ва иқтисодий фаолликини босқичма-босқич тиклаш бугунги куннинг

муҳим вазифаси ҳисобланади. Йиғилиш якунида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликини қисқартириш вазирилик ҳамда Молия вазирилик томонидан тақдим этилган ахборотлар маълумот учун қабул қилинди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди.

Ажратилаётган маблағлардан қандай фойдаланилмоқда?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида халқ таълими вазири ўринбосарининг ушбу вазирилик тизимида 2018-2019 йилларда бюджетдан ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда 2020 йилги харажатларни мақбуллаштириш имкониятларини аниқлаш бўйича ахбороти эшитилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, Ҳисоб палатаси томонидан бу борада ўтказилган ўрганишлар натижаси бўйича аниқланган ҳолатларни бартараф этиш ҳамда келгусида такрорламаслик юзасидан 30 га яқин таклифлар ишлаб чиқилган. Халқ таълими вазириликка уларни рўёбга чиқариш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш ва амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Шундан келиб чиқиб, қўмита томонидан халқ таълими тизимига ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши, ажратилаётган маблағга яраша натижадорликка эришиш маса-

лалари ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Ўтказилган ўрганишлар натижасида Халқ таълими вазирилик тизими ташкилотлари томонидан жами 192,2 миллиард сўмлик молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилгани маълум бўлди.

Тизим ташкилотлари томонидан амалга оширилган харидлар таҳлили натижасида “Давлат харидлиги тўғрисида”ги Қонун талабларига риоя этмаган ҳолда 56 миллиард сўмлик шартномалар тизилган.

Бундан ташқари, умумтаълим мактабларини таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш учун ажратилган 27,8 миллиард сўм бюджет маб-

лағлари самарасиз сарфлангани аниқланган.

Мавжуд хато ва камчиликларнинг 27,1 миллиард сўмлик қисми ўрганиш жараёнида бартараф этилди.

Тадбирда Ҳисоб палатасининг таклифларини яна бир бор қўриб чиқиб, уларни такомиллаштириш лозимлигига эътибор қаратилди. Депутатлар спорт заллари мавжуд бўлмаган мактаблар учун спорт заллари қуриш муддатлари, бунинг учун талаб этиладиган маблағлар ва молиялаштириш манбаларини аниқлашга оид таклифни илгари суришди. Дарсликлар тўпламларини ижарага бериш тизимини соддалаштириш ва уларни чиқариш бўйича харажатларни тўлақонли қоплаш мақсадида барча синф ва таълим тиллари учун дарсликлар тўпламларининг ижара тўлови микдори бир хилда қўллаш бўйича билдирилган таклифни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ эмаслиги таъкидланди.

Қўмита аъзоларининг фикрича, барча синф учун дарсликлар ижарасини бир хил — 31-32 минг сўм, деб, айрим синфлар учун икки ярим баробаргача ошириб белгилаш ўрнига дарсликларни икки қисмда чоп этиш орқали уларнинг фойдаланиш муддатларини икки баробарга узайтириш, натижада дарсликлар ижарасида 40 — 70 миллиард сўмгача иқтисод қилиш мумкинлиги айтиб ўтилди.

Депутатлар эшитув давомида тизимда йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг келгусида олдини олиш мақсадида инсон омиллини камайтириш, дастурий висталарни кенг қўллаш, барча соҳага рақамлаштириш тизимини жорий қилиш зарурлигини қайд эттишди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтган йиғилиш якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Гендер тенглик стратегияси БРМ бўйича индикаторларга эришишни таъминлайди

Гендер тенглик Барқарор ривожланиш мақсадларининг энг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда сўнгги уч йил мобайнида кўплаб ишлар қилинди. Жумладан, Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Сенат Раиси раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ташкил этилди.

Аёл ва жамият

Бу ишлар Ўзбекистонда гендер тенглик масалаларига катта эътибор қаратилаётганини ифодалайди. Ушбу тузилмаларнинг олди-га бир қатор муҳим вазифалар қўйилган. Улардан бири аёлларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш.

Жумладан, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда давлат органлари тизимида гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари ташкил этиш белгиланган. Биз Гендер комиссияси билан биргаликда бу йўналишда таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиди ва Вазирият Маҳкамасига йўллади. Ҳозир барча меҳнат жамоаларида шундай кенгашлар тузилмоқда. Қўмитамиз томонидан маслаҳат кенгашларининг тузилмаси, вазифалари бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилди. Ташкилотнинг биринчи ўринбосари маслаҳат кенгашига раҳбар

бўлади. Ана шу ишларнинг барчаси Барқарор ривожланиш соҳасидagi миллий мақсад ва вазифаларни бажариш бўйича Ихтиёрий миллий ҳисоботда ҳам ўз ифодасини топади.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда Гендер тенглик стратегияси ҳам ишлаб чиқилмоқда. Барқарор ривожланиш мақсадлари каби мазкур ҳужжат ҳам 2030 йилгача мўлжалланган. Унинг босқичма-босқич амалга оширилиши БРМ бўйича индикаторларга эришишимизни таъминлайди.

Стратегия тўққизта йўналишдан иборат. Улардан бири давлат хизмати соҳасида гендер тенгликни таъминлаш бўлса, яна бири ижтимоий-иқтисодий соҳада тенг ҳуқуқларни таъминлашдир. Стратегиянинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши, албатта, БРМга эришишга хизмат қилади.

Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Тинчлик-тотувлик — бахт ва фаровонлик калити

Жаҳон микёсида “16 май — Халқаро биргаликда тинч-тотув яшаш куни” сифатида кенг нишонлаб келинади. У БМТ резолюциясига кўра, 2017 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган бўлиб, дунё халқларининг ўзаро англашуви, бағрикенглиги, бирлиги ва ҳамжиҳатлигини ривожлантиришга қаратилган санадир.

Сана

Бунда ўз тарихи ва қадриятларига эга барча давлатлар ўртасидаги муносабатлар, хусусан, турли бахсли масалаларни факат музокарадан йўли билан ҳал этиш, шунингдек, бу борада халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгиллаб қўйилган таъминларга оғишмай амалга қилишга уруғ берилди.

Шу мақсадда 1999 йил октябрида Декларация ва Харажатлар дастури қабул қилиниб, одамлар орасидаги тотувлигини мустақамлашнинг ҳуқуқий асоси яратилган, дейиш мумкин. Унга биноан,

жамиятда барча камситишлар, шу жумладан, ирқ, жинс, тил, дин, сиёсий ёки бошқа масалка, миллий, этник ёхуд ижтимоий келиб чиқиш, мулк, ногиронлик, туғилиш ёки бошқа маком бўйича камситишлар қораланади.

Бугун ҳам БМТга аъзо давлатлар томонидан бу халқаро сана ўз маданий аънана ва қадриятларига мос ҳолда нишонлаб келинаётганини айтиш ўринлидир.

Баҳодир ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.



Ерга меҳр кўрсатганга замин ҳам борини беради

Бугунгача нимаики ютуққа, натижага эришган бўлсам, барчаси қишлоқ ҳўжалиги, хусусан, деҳқончилик билан боғлиқ. Ўтган йиллар давомида мазкур соҳанинг ҳамма босқичида меҳнат қилдим ва астойдил ишлаган одам кам бўлмаслигини теран англаб етдим. Яъни ерга меҳр кўрсатганга замин ҳам борини беракан. Бинобарин, юртимизда сўнгги йилларда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани эса кенг имкониятлар яратмоқда.

Масалан, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш орқали ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун экин майдонлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Шунингдек, туманларни мева-сабзавотчиликка ихтисослаштириш, маҳсулот етиштирувчиларни мева-сабзавотчилик кластерлари ва кооперацияларга бириктириш каби амалий чоралар кўрилаётгани ҳам диққатга сазовор.

Президентимизнинг “Республика

худудларини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ушбу соҳани янада тараққий эттиришга қаратилган билан ҳам аҳамиятли саналади. Унга кўра, туманлар ўз тунроқ-иклим шароитидан келиб чиққан ҳолда, боғдорчилик, узумчилик, сабзавот-полизчилик, қартошқачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштирилади. Шу мақсадда илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланилади.

Яна бир янгилик шуки, республика-миз худудларини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг муайян турларига ихтисослаштириш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида эксперимент тариқасида 2020 — 2022 йиллар давомида Жиззах вилоятининг жами 116,3 минг гектар қўшимча ер майдонини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилади.

Албатта, ихтисослашишда гап катта. Айнан бир соҳага мослашиш, хусусан, қишлоқ ҳўжалиги экинларининг муайян турини етиштиришга ихтисослашиш, албатта, қутилган самарани беради. Кўп йиллик фермер, фаолияти ер билан боғлиқ инсон сифатида бунга ишонаман.

Лола МУРОТОВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари янада мустаҳкамланди

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Муносабат

Хусусан, ўтган даврда жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мукамал тизими яратилди. Содир этилган ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса жоийни кўздан кечириш, тинтув ўтказиш жараёни, олинган кўрсатмаларни ҳодиса рўй берган жойда текшириш, тергов эксперти именти каби процессуал ҳаракатларни видеотаъсир орқали қайд этиш шартлигининг қонуний асослари белгиллаб берилди.

Шу йил 14 май куни давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғриси-

да”ги Қонун ҳам бу йўналишда олиб борилаётган ислохотларнинг мантиқий давомидир. Мазкур Қонун талабларига мувофиқ, эндиликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари жиноят иши бўйича гумон қилинувчи, айбланувчиға нисбатан ушлаб туриш, қамоққа олиш, уй қамоғи ёки экспертиза ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбуриятлар қўллаган тақдирда, бу ҳақда уларнинг оила аъзоларини ёхуд бошқа яқин кишиларига дарҳол хабар бериши шартлиги белгиланди.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими жиноят содир этишда гумонланаётган шахсни ушлаш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, шунингдек, ушланган шахс-

ни шахсий тинтув қилиш ҳамда унда бўлган нарсалар-буюмларни олиб қўйиш тергов ҳаракатларини ўтказиб ўтганда бу жараёнлар видеоёзувга қайд қилиниши лозимлиги мустаҳкамланди.

истисно ҳам назарда тутилди. Яъни шахсни ушлаш, шахсий тинтув ва олиб қўйишни ўтказишнинг кечиктириб бўлмайдиган ҳолларида (жиноят содир этилган жойда шахсни ушлаш, қидирувда юр-

“Мазкур Қонун талабларига мувофиқ, эндиликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари жиноят иши бўйича гумон қилинувчиға, айбланувчиға нисбатан ушлаб туриш, қамоққа олиш, уй қамоғи ёки экспертиза ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбуриятлар қўллаган тақдирда, бу ҳақда уларнинг оила аъзоларини ёхуд бошқа яқин кишиларига дарҳол хабар бериши шартлиги белгиланди.

Қолаверса, амалиётда шахсни ушлаш чоғида видеоёзув воситаларини қўллаш имкони бўлмайдиган турли вазиятлар бўлиши мумкинлиги инобатга олиниб, Қонунда ушлаб туриши видеоёзув орқали қайд этишнинг мажбурийлиги белгиланган қоидага

ған шахсни ушлаш ва ҳ.к.) уларни видеоёзув орқали қайд этмасдан ўтказишга йўл қўйилади. Бундай ҳолларда ваколатли шахс ушлаб турилган шахс яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келинганидан сўнг видеоёзувдан

Халқ сўзи

Сенатор мушоҳадаси

Элга хизмат қилган киши барака топади

Самарқандлик депутатлар “Саховат ва кўмак” ҳаракати доирасидаги ишларни назорат қилиш баробарида, ўз сайловчиларни доимий иш билан таъминлашга ҳам ҳисса қўшмоқдалар.

Олий Мажлис Сенатининг тавсиялари асосида маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ўзларининг фаолиятини бирмунча жонлантиришга ҳамда сайловчилари ўртасидаги обрўсини таъминлашга эришмоқдалар. Албатта бу ўз-ўзидан бўлмаптир. Энг аввало, ҳар бир депутат ўз сайлов округида жорий йилда амалга ошириладиган лойиҳалар жадвали билан таъминланди. Вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашларида “Сенаторлар хонаси” ташкил этилиши барча ишни мувофиқлаштириш баробарида, депутатларга талабчанликини кучайтиришга ёрдам берди. Депутатларимиз ижтимоий тармоқ орқали ўз округларида белгиланган лойиҳалар, худудий дастурлар ижросини назорат қилиш бўйича қўндалик фаолиятларини ёритиб бормоқдалар.

Президентимизнинг пандемияга қарши курашиш доирасида ижтимоий ўқувларга муҳтож аҳолига моддий ва ижтимоий ёрдам қўрсатиш бўйича ўтказган селектор йиғилишидан кейин барча Кенгашлар сессияларида ушбу масала муҳокама қилинди. Кенгаш раислари депутатларга эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш, рўйхатга олинган 47 300 нафар фуқарони тадбиркорликка ундаш, ўз бизнесини бошлашга кўмаклашиш, муқим иш билан таъминлаш борасида фаол бўлиш юзасидан мурожаат қилдилар.

Вилоят бўйича белгиланган барча оилага озиқ-овқат маҳсулотлари тўла етказиб берилди. Бу борада депутатлар томонидан аниқланган хато ва камчиликлар дарҳол бартараф этилди. Вилоят Кенгаши қошида сенатор раҳбарлигида ташкил қилинган штаб ҳар куни бу ишларни умумлаштириб, аниқ вазифалар белгилаб бермоқда. ОАВда “Саховат ва кўмак” ҳаракати ҳамда камбағалликини тугатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар мунтазам ёритиб борилаётди.

Мисол учун, Пахтачи туманига кластер томонидан ўн битта культиватор олиб келинган. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Эркин Нурбоев ташаббуси билан уларнинг барчаси хориждан қайтган ва ишсиз юрган мутахассисларга бириктирилди. Ёки халқ депутатлари Пахтачи туман Кенгаши депутати Бердилла Эгамбердиевни олайлик. У йил бошидан буюн тўрта оилага иссиқхона қуриш учун кредит олиб беришга эришди. Бир қисми ҳосилни бозорга олиб чиқаётган бўлса, янгидан қуриб битказилган иссиқхоналарда кўкатлар етиштириляпти. Шу тариқа Қувондиқ маҳалласидаги 500 та хонадон-

нинг деярли ҳаммасида томорқадан катта даромад олиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, депутатларга қилинган мурожаат туфайли муҳтожларга кўмак кўрсатаётган қорхоналар учун имтиёзларнинг ўз вақтида амалга оширилишига эришилмоқда.

Нарпай тумани Кенгаши депутати Рўқия Шукурова ҳам ўзи яшаб турган маҳалладаги иккита оилага иссиқхона қуриш учун 30 миллион сўмдан маблағ ажратилишига эришди. Шу туман Кенгаши депутати Карим Махаммадиев ташаббуси билан Тошкўприк маҳалласида яшовчи 52 нафар фуқаро фермер ҳўжаликлариға доимий ишга жойлаштирилди. Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати Баҳодир Раҳмонов ўрганиш жараёнида Мулйён маҳалласида тўртта эҳтиёжманд оила рўйхатга кирмай қолганини аниқлади ҳамда улар рўйхатга киритилди. Шунингдек, Пайариқ тумани Кенгаши депутати Шўҳрат Фармонов Хоса маҳалласидан 32 нафар фуқаронинг ҳақ тўланадиган жамоат ишига жалб этилишини доимий назоратга олган.

Вилоят Кенгаши депутати, сенатор Шавкат Жалолов ўзи раҳбарлик қилаётган “Agromir group” қўшма қорхонасига кейинги бир ой ичида минг нафар ишчини аъзо қилиб олди. Самарқанд, Оқдарё, Пайариқ туманларида яшовчи бу фуқароларга тез ва эртапишар помидор ҳамда бодрий нихоллари тарқатилди ва бу экинлар ҳосилини сотиб олиш юзасидан шартномалар тузилди. Вилоят Кенгаши депутати Гулбека Қўчқорова ўзининг тикувчилик қорхонасига май ойида 10 нафар янги ишчи олди, июнь ойида эса яна ўн нафар хотин-қиз учун муқим ишчи ўрни яратилляпти. Вилоят Кенгаши депутати, “Ҳамиджон Муродов” МЧЖ раҳбари Нарзикул Холиқов ўз қорхонасига май ойида 8та янги ишчи олди. У икки ойдан буюн 34 та хонадонни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турибди.

Депутатлар ўз фаолиятлари давомида аҳоли ўртасида камбағалликини тугатиш, боқимандаликдан воз кечиш, томорқадан унумли фойдаланиш юзасидан кенг тарғибот ҳам олиб боришляпти. Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда жойларда тадбиркорлиқнинг йўналишлари, лойиҳалари, тақдиротларини ҳам ўтказмоқда. Зеро, элга хизмат қилган киши, албатта, барака топади.

Фармон ТОШЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

фойдаланган ҳолда унинг процессуал ҳуқуқларини мажбурий тартибда тушунтиради.

Маълумки, жиноят процессуал қонунчилигига мувофиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юритилаётган даврда исталган вақтда ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Қонунга киритилган ўзгартишларга кўра, эндиликда ҳимоячидан воз кечиш жараёни ҳам видеоёзув орқали қайд этилиши шарт. Мазкур жараён туширилган видеоёзув материаллари баённомага илова қилиниши белгиллаб қўйилди.

Ушбу Қонун билан амалиётда юзага келаётган кўплаб тушунмовчиликлар ҳамда норозиликларнинг олди олинади. Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан берилаётган шикоятларнинг камайишига эришилади.

Энг муҳими, белгиланган мазкур тартиблар жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шерзод ТЎХТАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Қонун кучга кирди

Эскирган тизимдан воз кечилди

Юртимизда амал қилиб келаётган ва аҳолининг кўп эътирозларига сабаб бўлаётган эскирган прописка тизимини ислоҳ қилиш “Илм, маърифат ва ракамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурида муҳим вазифа сифатида белгиланган эди.

Бу борада, энг аввало, Президентимизнинг “Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Фармони билан кенг жамоатчилик фикрлари инобатга олинган ҳолда муайян ишлар бошлаб юборилди. Аҳамиятли жиҳати, ушбу ҳужжатда пропискага қўйиш билан боғлиқ жараёнлар ва уларни “ягона дарча” тамойили асосида амалга ошириш механизмлари ракамлаштирилиши лозимлиги белгиланди.

“Ягона дарча” тамойили дейилганда, фуқаронинг иши бир жойда ҳал бўлиши тушунилади. Мазкур ҳолатда доимий рўйхатда эга бўлиш мақсадидаги фуқаро талаб этиладиган ҳужжатларни тақдим қилиш учун бошқа давлат идораларига бориши шарт эмас. Мурожаат ички ишлар органининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиминининг ўзида ҳал қилинади. Масалан, уй-жой мулкдори на-бирасини доимий рўйхатга қўймоқчи. Бунинг учун уй-жой кадастр ҳужжатлари, фарзанди ва набаирасининг турилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари электрон қўринишда идоралардан ҳамкорлик тизими орқали рақамлашган шаклда олинади. Худ-ди шундай бошқа ҳужжатлар — ўлим, никоҳ тузилганлиги ёки никоҳдан ажраш-ганлик тўғрисидаги гувоҳномалар, шахс-

нинг ишлаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам тармоқ орқали электрон тарзда қабул қилиниши мумкин.

Соҳадаги ўзгаришлар яқинда давлати-миз раҳбари томонидан имзоланган “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғри-сида”ги Ўзбекистон Республикаси Қону-нига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги Қонунда ўз ифодасини топди.

Мазкур Қонун мамлакатимиз фуқаро-ларини республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш билан изоҳланади.

“Прописка” сўзи маънавий эскирганли-ги ва ушбу атама фуқаролар онгида “тўқсинлик қилувчи”, “эркинликни чеклов-чи” деган тушунчаларни келтириб чи-караётгани сабабли, Қонунга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчага кўра, “доимий прописка” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзларига алмаштирилди.

Эндиликда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкка эга бўлиш учун бу ҳудудларда доимий рўйхатда бўлиш талаби бекор бўлди.

Қўшимча қулайликлар яратиш мақсади-

да фуқароларга нафақат биринчи ва ик-кинчи даражадаги қариндошлари яшаб тур-ган манзилга, балки уларнинг эгалигида бўлган уй-жой майдонида ҳам доимий рўйхатга туриш имконияти яратилди. Ҳақиқатда вилоятда доимий рўйхатда бўлган фуқаро Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоят-тидан кўчмас мулк сотиб олгандан кейин, аввало, ўзи шу манзилга доимий рўйхатга ўтади. Сўнгра оиласи (турмуш ўртоғи, фар-зандлари)ни, агар хоҳласа, ота-онаси, бобо-бувиси ва набаираларини ҳам доимий рўйхатга ўтказиши мумкин.

Эр-хотиннинг никоҳдан кейин бир йил давомида биргаликда яшаш шарти ва бир йил ичида никоҳ бекор қилинган тақдир-да пропискани йўқотиш бўйича қоидалар бекор қилинди.

Ойлага тарбияга олинган (патронат) шахслар уларнинг тутинган ота-онасининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга оли-ниш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳ-камаси томонидан лавозимларга сайлан-ган, тайинланган, тасдиқланган фуқаро-лар ҳамда уларнинг оила аъзолари бел-гиланган тартибда доимий прописка қилингандан сўнг улар бошқа ишга ўтиши ёки лавозимдан озод этилиши яшаш жойи бўйича доимий рўйхатдан чиқарилишига оид қоида ҳам бекор қилинди.

Шунингдек, илгари Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаролар — до-имий яшаш учун тегишинча Тошкент шаҳ-

рига ва Тошкент вилоятига қайтиб келга-нида ҳеч қандай тўсиқларсиз доимий яшаш жойи бўйича қайта рўйхатга олина-ди. Ҳақиқатда вилоятда доимий рўйхат-га олинган. Эндиликда ҳар қандай шахс Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан маълум сабабларга кўра ёки ўзининг хо-ҳишига асосан, рўйхатдан чиқиб кетса ҳам, хоҳлаган пайтида яна қайтиб, тегишинча Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ҳуду-дида доимий рўйхатга туриши мумкин бўлди.

Давлат ҳокимияти органларида, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида ҳамда бошқа давлат ташкилотларида узлуқсиз беш йил ва ундан ортиқ бўлган давр мо-байнида меҳнат фаолиятини олиб бора-ётган мутахассислар (техник, хизмат кўрсатувчи ва ишлаб қиқариш ходимла-ридан ташқари), шунингдек, уларнинг оила аъзолари эндиликда доимий рўйхатга ту-риш имкониятига эга.

Умуман айтганда, мазкур Қонун фуқа-роларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилишининг бирин-чи босқич чора-тадбирларини қамраб ол-ган. Қонунчиликдаги бу ўзгаришлар бил-ан аҳолининг пойтахт минтақасида дои-мий рўйхатга олиш тартиб-таомиллари либераллаштирилди ҳамда фуқароларнинг эркин кўчиб юриш соҳасидаги ҳуқуқлари мустаҳкамланди.

Тўлқин КАРИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

Илмга асосланган фаолият

картошқачиликда ҳам юқори натижаларга эришиш имконини беради

Агар соҳага қанчалик эътибор қўйинг, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳам шунчалик ҳал бўлиб бораверади. Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган “Республикада картошқа етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айни шу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Бинобарин, унда картошқа етиштиришни кўпайтириш, шунингдек, мазкур тармоқ истиқболига дахлдор қўллаб вазибалар белгилаб берилди.

Акс садо

Картошқа нафақат дунёда, балки Ўзбекистонда ҳам энг хари-доригр маҳсулот ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти юртимизда ушбу маҳсулот истеъмолчи миқдорини ҳар бир ки-шига йиллик 50 килограмм этиб белгиланган. Юртимизда бир йил-да етиштириладиган картошқа ҳажми эса 2 миллион 400 минг тонна атрофида. Бироқ респу-бликада уруғлик картошқа етишмайди. Шу боис қарорда мазкур жиҳатлар алоҳида қайд этилиб, институтимиз зиммасига бир қатор вазибалар қўйилди. Истеъмол ва уруғлик картошқа

етиштиришнинг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш, янги навларини яратиш ҳамда ил-гор агротехнологияларни қўллаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш, халқаро молия институтлари, хорижий до-норлар грантлари ҳамда ташаб-бускорлар маблағлари ҳисобидан уруғлик картошқанинг супер эли-та ва элита авлодларини етиш-тириш, “in vitro” лабораторияси ташкил этиш, уруғликларни етиш-тирувчиларга етказиб бериш, кар-тошқа етиштиришда илгор агро-технологияларни қўллаш бўйича

тавсияларни ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

Институтимиз ҳузурида Илмий изланишлар ва инновацион иш-ланмаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, картошқа навлари селе-кцияси ва уруғчилигини ривож-лантириш жамғармаси ташкил қилинапти. Ушбу жамғарма ҳисо-бидан сабзавот, полиз экинлари ҳамда картошқачилик соҳасида-ги илмий изланишлар ва инно-вацион ишланмаларни молия-лаштириш учун грантлар ажра-тиш, картошқа навлари селекция-си ҳамда уруғчилигини йўлга қўйиш бўйича тажриба-синов ва бошқа лойиҳаларни молиялашти-риш, сабзавот, полиз экинлари ҳамда картошқанинг яратилган навлари муаллифларини рағбат-лантириш кўзда тутилган.

Одатда, картошқа тўлиқ етил-гунча экиш муддатларига қараб 10 — 12 маротабагача суғорила-ди. Ҳақиқатда, картошқа етиш-тиришда ҳар гектар майдонда ҳосил етиштириш учун 5-6 минг метр куб сув сарфланади. Агар сув тежамкор технологиялардан фойдаланилса, сув сарфини тенг

ярмига камайтириш мумкин. Президентимиз қарориди айни шу асосдаги ишларни жадал-лаштиришга қаратилган вазифа-лар ҳам талайгина.

Умуман олганда, айни пайтда институтимиз ходимлари томони-дан яратилган картошқанинг “Умид”, “Умид-2” навларидан аҳоли кенг фойдаланади. Уларни “in vitro” усулида етиштиришни кенгайти-риш ўз-ўзидан ҳосилдорликни оширишга ҳам хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари қарори-да, шунингдек, сабзавот ва по-лиз экинларининг юқори ҳосил-дор, қурғоқчиликка, шўрға ва ка-салликларга чидамли, мева си-фати юқори навларини, дургай-ларини яратиш, уларнинг бир-ламчи уруғчилигини ташкил этиш, ноанъанавий сабзавот экинларини интродукция қилиш ишларини олиб бориш ҳам қайд этилган. Бунинг қанчалик аҳа-мияти эканлигини қуйдаги мисол асосида тушунтириб берсак.

Бамия биз учун бегона ноанъ-анавий ўсимлик ҳисобланади. Ҳақиқатда, биз унинг юртимизда экиб, етишти-

рилмайди. Асосан, тропик ва субтропик давлатларда парва-ришланади. Мевасини хомлиги-ча еиш, пишириш, қовуриш, консервация мумкин. Мазкур экиндан 5 сантиметргача ўсгун-ча сабзавот сифатида истеъмол қилиш, 20 сантиметрлигида уру-ғидан ёғ олиш мумкин. Қолавер-са, донини эзиб, қавға ўрнида ишлатса ҳам бўлади. Пояси 11 фойзгача тола беради. Пах-тага ўхшаб гуллайди, шунинг учун асарларилар учун муҳим озуқа манбаи ҳисобланади. Қисқаси, унинг фойдали томонлари кўп.

Президентимиз қарориди кар-тошқачиликдан ташқари ана шун-дай ишларни жадаллаштиришга, илм ва амалиёт ўйғунлигини таъ-минлашга доир қўллаб вазибалар белгилаб берилдики, уларнинг ижроси тармоқни янада ривож-лантиришга хизмат қилади, албатта.

Рустам НИЗОМОВ,
Сабзавот, полиз экинлари ва
картошқачилик илмий-тадқиқот
институти директори.

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ИМКОНИЯТЛАРИ

Фориш Жиззах вилоятининг энг чекка туманларида. Худуд аҳолиси азалдан богдорчилик, чорвачилик билан шуғулланиб келган.

Ёшлар — келажагимиз

Кейинги йилларда мазкур тармоқларнинг ривожланиши, замонавий ишлаб чиқариш корхоналарининг барпо этилиши натижасида тумандаги катта-кичик 100 дан зиёд қишлоқлар-нинг қиёфаси тубдан ўзгаради.

— Одамларнинг яшашни учун қулайликлар яратилаётир, тадбиркорлик ривожлантирилиб, иш ўринлари очилмоқда, — дейди “Холбуви она” жусусий корхонаси раҳбари Музаффар Шокосимов. — Биз ҳам “Ёшлар — келажагимиз” жамғарма-сининг 70 миллион сўмлик имтиёзли кредити ҳисобига янги корхона ташкил этдик. Бу орқали қўллаб тенгқўларимиз бандлигини таъминлаш, тоғли ҳудудда жойлашган маҳалла-лар аҳолисига қурилиш материаллари ва шлакоблоклар етказиб бериш имконияти пайдо бўлди. Натижа ёмон эмас, маҳсулотларга талаб юқори. Жорий йилнинг ёзида қадар бир неча турдаги рангли брусчаткалар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчимиз.

Толибжон ЭРГАШЕВ
(«Халқ сўзи»).



Икки фронтдан омон қайтган жангчи

Президентимизнинг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюқ Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва Қадрлаш кунига бағиш-лаб ўтказилган тантанали маросимдаги нутқи юртдошларимиз томонидан катта мамнуният билан қутиб олинди.

Айниқса, хоразмлик уруш қат-нашчиси Бозорбой ота байрам тан-таналарини телевизор орқали то-моша қиларкан, кўзлари қувончдан намланди. Бугунги тинч-осуда ҳаёт-га яна бир бор шукрона келтирди.

Бозорбой ота Полвонов ҳам Ик-кинчи жаҳон уруши дахшатларини бошидан ўтказган, не-не азоб-укубатларни, очарчилик, ҳақати-ликни метин иродаси, сабр-мато-нати билан енгган.

— 1939 йил октябрь ойида со-вет — фин урушига юборилдим, — дейди отахон ўша сурунли йиллар-ни эслаб. — Бу уруш тугаб, уйга қайтарканмиз, немис фашистлари Совет Иттифоқида бостириб кир-ди. 1941 йилнинг октябридан Ик-кинчи жаҳон урушида қатнашдим. Бизнинг полкимиз Польшанинг Варшава шаҳрида жойлашган эди. Сафдошларимиз билан Днепр дарёсини кечиб ўтиб, аёвсиз жанглар олиб бордик, кўплаб қаҳрамонликлар кўрсатдик. Бир неча маротаба оғир яраланиб, ҳарбий госпиталда даволандим ва яна урушга қайтдим. 1944 йилда Польша давлатини фашист босқинчиларидан озод қилдик.

1945 йил 9 май кuni буюқ Ғалаба-ни Берлинда нишонладик.

Бозорбой ота Рўзикажон ая би-лан турмуш қуриб, 5 қиз, 3 ўғил фарзандни тарбиялаб вояга етказ-ган. Бугунги кунда 50 дан ортиқ невара, 60 дан зиёд чеваралар-нинг бобоси бўлиб умргузаронлик қилмоқда.

103 баҳорини қаршилаётган Бозорбой отанинг ҳовлиси доимо меҳмонлар билан гавжум. Жумла-дан, буюқ Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва Қадрлаш кuni муносабати билан вилоят ҳокими Фарход Эрманов бошчилигидаги фаоллар Бозорбой ота холидан хабар олди, Президентимиз номи-дан пул мукофоти, қимматбаҳо совға-саломлар топширди.

— Бизни сийлаганни Аллоҳ сийласин, — деди Бозорбой ота. — Илоҳим, тани-жонларингиз соғ бўлсин. Биз қўрган қуларни сизлар қўрمانглар. Юртимиздаги тинчлик, омонлик бардавом бўлсин.

Бақпошша ҚАЛАНДАРОВА,
Қўшқўпир туманидаги
10-мактаб ўқитувчиси.

Душман жосусларини йўқ қилган ўзбек йигити

1942 йил. Қибрай тумани партия қўмитаси ҳузуридаги ер шўбаси бошлиғи вазибасида ишлаб келаётган Қамбарали Мирзаев ўз ихтиёри билан урушга отланди. Гарчи Иккинчи жаҳон урушида қатнашмаслигига имтиёз берилган бўлса-да, ундан воз кечи-б, юртимизнинг мард ўғлонлари қаторидан жой олади.

Қамбарали ота Саратов шаҳри-да ҳарбий тайёргарликдан ўтган-дан сўнг 19-рота ўқчи бригадаси-да рота сийсий бўлим бошлиғининг ёрдамчиси бўлиб хизматни бош-лайди. У ерда ўзбек йигити зим-масига катта масъулият юклатила-ди. Ҳақиқатда, Қамбарали Мирзаев жангга ки-ришга тайёрланаётган аскарлар билан ҳарбий машқлар ўтар ва уларга ҳарбий тактика ҳамда тех-никани ўргатар эди. У юксак ҳар-бий маҳорати, укуви ва ўз ишига садоқати туфайли бутун қисмга тез танилди.

Қ. Мирзаевни Волга ҳарбий округи қошидаги махсус сийсий кадрлар тайёрлов мактабига ва ўқиниш юборишди. Ҳақиқатда, Қ. Мирзаев 1943 йил июнь ойидан то 1945 йил-гача ана шу дивизияда хизмат қилади.

Ростов-Дон шаҳрида урушга кирган Қамбарали Мирзаев қонли жангларда иштирок этади. Иккин-чи жаҳон урушида катта бурилиш ясаган Днепр дарёсини жанг қилиб кесиб ўтиш ҳарбий операцияда қатнашади. Шунингдек, фронтдаги хизмати даврида Осовец, Ломжа, Данинг, Трентов, Райзенберг каби

қатор йирик шаҳарларни фашист аскарларидан озод қилишда жо-сорт қўрсатгани учун ўша даврдаги Олий Бош Қўмондоннинг имзоси билан тасдиқланган 12 та таша-курнома олади.

Бундан ташқари, Қамбарали Мирзаев дивизиянинг махсус хавфсизлиги бўйича масъул шахс-ларидан бири бўлган. У фронтда энг муҳим ва мураккаб вазифа — жосусларга қарши қақшатиқ кураш олиб борган. Ўша пайтда дивизия-нинг ҳарбий жосусларга қарши кураш (контрразветка) бўлимида офицер бўлган. Фронтдаги хизма-ти даврида дивизияга қириб олган жосуслар гуруҳини аниқлайди ва уларни йўқ қилишда қаҳрамонлик кўрсатади. Ана шу хизмати учун Қ. Мирзаев “Қизил юлдуз” ордени билан мукофотланади.

Иккинчи жаҳон уруши тугагани-дан сўнг Қ. Мирзаев Туркистон ҳар-бий округи штабининг махсус бўлимида ҳарбий хизматни давом эттиради. 1952 йилда ҳарбий хизмат-дан республика давлат хавфсизлик хизмати органларига ишга ўткази-лади. Бир неча йиллар давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазилиги тизимида самарали меҳнат фаолиятини олиб боради.

Юрта садоқати билан элга та-нилган Қамбарали ота ижтимоий ва шахсий ҳаётда ҳам қўпчиликка намуна бўлди. Мамлакат ая билан 12 фарзандни тарбиялади.

Қамбарали ота 1982 йилда, умр йўлдоши Мамлакат ая эса 2017 йилда бу дунёни тарк этди. Аммо уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли авлодлар учун катта ибрат мактаби бўлиб қолади.

Элмурод БОЗОРОВ.

ЭЪЛОН

Давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси
қуйдаги қоғоз маҳсулотларини сотиб олиш бўйича
танлов савдоларини эълон қилади:

(танлов нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича амалга оширилади).

т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	1 пачкаси нархи
1	A4 офсет қоғоз 90 гр/м² (пачкада 500 дона)	Пачкада	
2	A4 офсет қоғоз 80 гр/м² (пачкада 500 дона)	Пачкада	
3	A4 офсет қоғоз 160 гр/м² (пачкада 250 дона)	Пачкада	
4	A3 офсет қоғоз 80 гр/м² (пачкада 500 дона)	Пачкада	
5	Фото қоғоз 200 гр. (пачкада 50 дона)	Пачкада	
6	Фото қоғоз 250 гр. (пачкада 50 дона)	Пачкада	

Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Танловда қатнашиш учун ушбу фаолият билан шуғулланишга берилган лицензия, гувоҳнома ва мувофиқлик сертификатидан нусха тақдим этилади.

Танлов таклифлари ёпиқ, хат ёки электрон тартибда жўнатилади.

Маълумот учун телефонлар: 71-258-58-70, 97-704-41-23, 99-829-40-59. Факс: 71-258-56-57. Манзил: 100102, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. E-mail: ipbfvv@exat.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklama@xalqsuzi.uz

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлик девонхонаси раҳбари Расулжон Нафасовга қизи
Шукрона РАЖАБОВАнинг
вафоти муносабати билан чўқур тазвия изхор этади.

Марказларга жалб этилган волонтерлар **5200** нафардан зиёд.



Марказларга ажратилган автотранспорт воситалари **500** дан ортиқ.





Комбинатда ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш ва бунинг ҳисобидан маҳсулот таннаҳини камайтириш юзасидан ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Жорий йилнинг январь — апрель ойларида маҳсулот ишлаб чиқариш таннаҳи 190,2 миллиард сўмга ёки 4,73 фоизга камайтирилди. Жумладан, ёқилги-энергетика маҳсулотларини тежа, технологик ва бошқа йўқотишларни камайтириш, техник модернизация қилиш ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш, материалларнинг янги, илгор турларидан фойдаланиш ва бошқа ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, ҳам ашё ва материаллар харажатларини меъёраштириш ҳамда уларни қисқартириш ҳисобига 109,2 миллиард сўм иқтисод қилинди.

“Мурунгов” қони нафақат республика-миз, балки дунёдаги энг йирик олтин қонларидан биридир. Бу ерда замонавий қон техникаси ва технологияларига таянган ҳолда об-ҳавонинг ҳар қандай шароитида ҳам маъдан қазиб ишлари муваффақият-ли амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда қоннинг қуқурлиги 640 метрни ташкил этапти, келажакда эса бу кўрсаткич 1000 метргача етиши кутилмоқда. Бу 2-гидрометаллургия заводига маъдан етказиб бериш ҳажминини тобора ошириб бориш баробарида, мазкур олтин қазиб олиш мажмуасининг келажакда ҳам самарали иш юритишини таъминлайди. Бу ноёб қон ривожланган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасига ҳамда замонавий технологияларга эга.

Қоннинг 5-босқичини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳаси доирасида янги йўл-таъкиднинг фойдаланишга топширилиши автомобил транспорти орқали маъданларни ташини масофасини 1,5 километрга қисқартириш имконини беради. Жорий йилда қонда қазиб самарадорлигини ошириш, қўшимча 100 та янги иш ўрни яратиш,

Шимоли-Шарқий иситиш марказининг йиллик қуввати 15 миллион куб метр бўлган қонвейер мажмуасини фойдаланишга топшириш, юқори қувватга эга қон ускуналари ва ўта аниқликдаги GPS жойлаштишини аниқлайдиган янги инновацион технологияларни жорий этиш мўлжалланган.

«Довғизтоғ» томонларда

“Довғизтоғ” қони нафақат Шимолий қон бошқармаси, балки Навоий қон-металлургия қонбинатининг ҳам пешқадам бўлин-маларидан бири сифатида 3-гидрометаллургия заводини ҳам ашё билан таъмин-лайди. Бошқача айтганда, 3-ГМЗнинг асосий ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлари ҳам “Довғизтоғ” қонидаги ишлаб чиқариш барқарорлигига бевосита боғлиқ. Ўтган йили қонда тоғ жинслари қазиб чиқариш, таркибида олтин бўлган маъданни заводга етказиб бериш режалари ошган билан адо этилди. Бир-гина тоғ жинсларини қазиб чиқариш ҳажмининг 2018 йилдагига нисбатан қарийб 4 миллион куб метрга, яъни қон иш бошлаган дастлабки йилдагидан олти баравар кўпайтиришга эришилди.

Бу йил қорхона ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимлари марра-ни янада юксак олишган. Улар жорий йилда 3-ГМЗга олтин таркибли маъдан етказиб бериш 2019 йилдагига нисбатан 400 минг тонна ошириш режалашти-ришмоқда. Шу боис барча қон ва имко-ният мазкур доволни эгаллашга сафар-бар этилган.

Таъжибали мутахассис Шерзод Ҳамроев бош бўлган қон жамоаси атрофида соҳага алоқадор 530 нафар турли касб эгалари ва муҳандис-техник ходимлар бирлашган. Уларнинг 200 нафарга яқинини ёшлар ташкил этади.

— Жаҳоннинг етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган техника воситалари ҳисобига қонимиз моддий-техника ба-заси мустаҳкамланганлиги кўзлаган на-тижага эришишимизда қанот бўлапти, — дейди қон бошлиги Шерзод Ҳамроев. — Хусусан, Япония ва Швецияда ишлаб чиқарилган замонавий бурғилар ускуна-лари ва экскаваторлардан фойдаланмоқ-дамиз. Қондан тоғ жинсларини ташиб чиқариш ишлари “БелАЗ” автогадгарчи-лари ёрдамида амалга оширилмоқда. Ёшларимиз энг замонавий техникалар-ни маҳорат билан бошқариб, олдилари-га қўйилган режаларни тўлиқ бажариш-моқда. Энг асосийси, улардаги фидойи-лик, меҳнатсеварлик мени қувонтиради.

Техника воситалари, машина-меха-низмлар ишини тўғри ташкил этиш, ёқилги-мойлаш материаллари сарфиди иқтисодий тежамкорликка эришиш мақ-садида барча экскаватор, бурғилар ус-куналари, автогадгарчи-лари ва ёрдамчи техникаларга Россияда ишлаб чиқарил-ган “Omnicomm GPS” регистраторлари ҳамда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган “Hytera” русумли радиоалоқа воситалари ўрнатилган. Шунингдек, қонбинат раҳбариятининг ташаббуси билан қонда уч йил муқаддам цикли-узлуқсиз тех-нология жорий этилган эди. Бу карьер-нинг шарқий қисмидан миллионлаб куб метр тоғ жинсларини узунлиги 1 минг 200 метр бўлган қонвейер ленталари ёрдамида ташиб чиқариш ва натижада ёқилги маҳсулотларини иқтисод қилиш имконини бермоқда.

Жорий йил техник ва технологик жи-ҳозлаш дастурига мувофиқ “Довғизтоғ” қонига Япония ва Россияда ишлаб чиқарилган 4 та замонавий экскаватор ҳамда Швециядан сўнгги русумдаги бурғилар ускуналари келтирилади.

Илмий изланиш ва кадрлар салоҳияти

“Рақамли иқтисодиёт” атамаси тармоқ ва соҳаларнинг ахборот технологияларидан фойда фойдаланишини аниқлатади. Агар оддий иқтисодиётда моддий буюмлар асосий ресурс ҳисобланса, рақамли иқтисодиётда бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар ҳисобланади.

Жаҳон таърибасидан маълумки, замо-навий технологиялар бир жойда тўхтаб тур-майди. У мунтазам тақомиллашиб, қон-чилик асослари ҳам мустаҳкамлашиб бора-веради. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривож-лантириш йили” деб эълон қилиниши бар-ча соҳа қатори қончилик саноати учун ҳам кадрлар тайёрлаш, замонавий ахборот технологияларини пухта эгаллаш, мурак-каб дастурлаш салоҳиятига эга мутахассис-ларни етиштириш каби вазифаларни тақо-зо этмоқда. Навоий давлат қончили-институтини бу борада режалар белгила-ниб, юқори самарали қатор лойиҳалар тадқиқ этилмоқда. Хусусан, институтнинг Автоматлаштириш ва бошқарув кафедра-сида ёш олимлар истиқболли ишланмалар устида изланишлар олиб боришмоқда.

— Ўтган йили кафедрамизга қарашли лабораториялар энг илгор технологиялар билан жиҳозланди, — дейди кафедра мудири, техника фанлари доктори Одил Жумаев. — Лаборатория қонлари илмий ишланмаларни олиб бориш, таъриб-си-нов ишларини ташкил этиш учун барча зарур жиҳоз ва ускуналар билан тўлиқ таъ-минланди. Эндиликда кафедрамизда қон-чилик саноатида ишлаб чиқаришнинг тех-нология жараёнларини, машинасозлик, энергетика ва қимм саноатидаги техноло-гик жараёнларни автоматлаштириш ва бошқариш бўйича илмий тадқиқот иш-лари олиб боришмоқда. Шунингдек, геотех-

нология жараёнларини бошқариш тизим-ларини синтезлаш усуллари, бошқарувда микропроцессорли интеллектуал тизимни жорий қилиш, электр тежамкор режимла-рини тадқиқ этиш ва ноорганик модда-ларни ишлаб чиқаришда синтезлаш алго-ритмлари дастурларини ишлаб чиқиш ус-тувор вазифалари белгиланди. Мазкур долзарб илмий тадқиқотлар аниқ муам-маларнинг ечимларига қаратилганлиги билан қончилик саноатида рақамли бош-қарув тизимини янги поғонага кўтаришга хизмат қилади.

Навоий қон-металлургия қонбинатида ишлаб чиқаришнинг инновацион ривож-лантириш дастурига киритилган иккита лойиҳа, айниқса, эътиборга молик. Бирин-чи лойиҳада Жанубий қон бошқармаси-нинг “Зармитан” шахта қонларида юк кўта-риш механизмларида электр юритмала-рининг рақамли бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот иш-лари олиб боришмоқда. Изланишлар са-мараси ўлароқ шахталарда юк кўтариш механизмларининг самарадорлиги ва бошқарув тизимининг ишончилиги орта-ди. Иккинчи лойиҳа эса Навоий машина-созлик заводининг дастгоҳсозлик цехида бўйлама живиларлаш дастгоҳининг рақам-ли бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ тадқиқот иш-дир. Бунинг натижасида цехда замонавий юқори аниқлик ва тезликка эга бўлган замонавий рақамли бошқарув тизимли даст-гоҳсозлик қурилмаси ишга туширилади.

Эл бошига иш тушганда

Жорий йил НКМК жамоаси учун ҳам ҳар томонлама синовлар йили бўлапти. Улкан марраларни кўзлаган жамоа ишлаб чиқаришда барқарорлиқни сақлаган ҳолда бутун дунёни таҳликага солган пандемия оқибатларига қарши курашиш, асоратла-

рини бартараф қилишда бир-бирларига елкадош, жипс ҳамда меҳр-оқибатли экан-ликларини амалда намоён этишяпти.

Комбинат томонидан карантин қоида-ларига қатъий амал қилиш борасида қўрилган аниқ чора-тадбирлар, пухта иш-лаб чиқилган режа-дастурлар, самарали тарғибот-ташвиқот ишлари ўз натижаси-ни берди. Бирламчи эҳтиёж учун тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар, анти-септик воситалар ва тиббий буюмлар таъ-миноти изчил йўлга қўйилиб, ишчи-мута-хассислар саломатлигига таҳдид қилади-ган барча жиҳатлар бартараф этилди.

Дўст қадри бошга қулфат тушганда би-линади. Қўйин пайтда кўмакка қўл чўзиш чинакам инсонпарварлик намунасидир. Комбинатда бу эзгу амал азал-азалдан бор ва изчил давом этмоқда. Комбинат ишчи-ходимлари ўз ихтиёрлари билан “Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фонди, “Саховат ва кўмак” умум-халқ ҳаракатига маблағлар кўчиришди. Сардоба сув омборида рўй берган тош-қинлардан зарар кўрган ҳамда бошлана-сиз қолган юртдошлари учун озиқ-овқат ва бошқа қўндалик эҳтиёждаги зарур маҳ-сулотлар туффа қилишди. Айни пайтда бу манзилда 42 та қўдратли ва махсус техниками талафотни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатяпти.

Комбинат томонидан табиий офат ту-файли зарар кўрган Олот ва Қорақўл ту-манлари аҳолисига 10 минг дона шифер, 100 метр куб тахта, 1 тонна мих етказиб берилди, 50 нафар моҳир дурадор-уста бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этмоқда...

Хулоса ўрнида

Қисқача айтганда, 56 минг нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар, муҳандис-тех-никлар хизмат қилаётган улкан қорхона жамоаси касб байрамини муносиб ютуқ-лар билан қутлиб олмақда. Тўйга тўёна би-лан деганларидек, ўтган тўрт ойлик ре-жалар ортиги билан бажарилди. Синовли қонларда барча ишлаб чиқариш тармоғи бир маромада ишлаяпти. Муваффақиятлар-да улкан жамоанинг карантин қоидалари-га қатъий амал қилган ҳолда фидойилик кўрсатиб ишлаётган ҳар бир аъзосининг арзигулик ҳиссаси бор. Энг муҳими, улар-да гайрат-шижоат, эртанги қўнға ишонч, ўз касбидан гурурланиш ҳисси мужассам. Мана шундай лаҳзаларда байрамнингиз қўнғу бўлсин, шарафли касб эгалари, де-гимиз келад.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА ЎРНИДА



«Дўстлик» ордени

Навоий қон-металлургия қонбинатининг меҳнаткаш жамоаси

Ўзбекистоннинг қончилари ва металлургияларини касб байрами — Қончилик ва металлургия саноати ходимлари қуни билан таърифлайди!

Қон-металлургия саноати халқ хўжалиги иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири саналади, юқори малака ва масъулиятни талаб этувчи қончи ҳамда металлургияларнинг машаққатли меҳнати эса ҳақли равишда жамиятда ҳурматга сазовордир.




Сизларга мустаҳкам соғлиқ ва ташаббусларга бой меҳнат фаолиятларингизда муваффақиятлар тилаймиз!



«Олмалик КМК» АЖ

жамоаси

мамлакатимизнинг барча қончи ва металлургияларини, соҳа фахрийларини Ўзбекистон Республикасининг қончилик ва металлургия саноати ходимлари қуни билан самимий муборакбод этади!

Касбга бўлган чексиз садоқатингиз ва фидокорона меҳнатингиз учун ташаккур. Мустақил Ватанимизнинг ривожланиши, тинчлиги, гуллаб-яшнаши ва рағнақи йўлида қилаётган хизматларингизда омад ёр бўлсин!




Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 39 806 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳаси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Ўқонлар 71-232-11-15.

Тахриратга келган қўлағмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жаобгар. Газета тахрират марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.	• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбўтчилик кўчаси, 32-йў. Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.
--	--

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.35 Топширилди — 00.25

1 2 3 4 5 6